



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2020 йил – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2020 йил 12 март, № 53 (7555)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ТИЗИМИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 март куни мамлакатимизда жамоат саломатлигини таъминлаш тизими самарадорлигини ошириш муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил январь ойида Олий Мажлисга йўлланган Мурожаатномасида аҳоли саломатлигини яхшилаш бўйича устувор вазифалар белгиланган эди.

Бугунги йиғилишда таъкидланганидек, юртимиз соғлиқни сақлаш тизимида касалликларнинг олдини олишдан кўра уларни даволашга кўпроқ эътибор қаратилади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотини таҳлилига кўра, инсон саломатлигига таъсир этувчи омишлар орасида тиббий таъминот 10 фоизни, ирсий омишлар 15 фоизни, атроф-муҳитнинг ҳолати 20 фоизни ташкил этади. Энг муҳими, инсоннинг турмуш тарзи (жисмоний фаоллик, овқатланиш, зарарли одатлар) унинг саломатлигига 55 фоизгача таъсир кўрсатар экан.

Шу сабабдан Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология осойишталик агентлиги ҳамда Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекциясига илғор хорижий тажриба асосида аҳоли саломатлигини яхшилаш, одамларимизни соғлом турмуш тарзига ўргатишнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш бўйича топшириқлар берилди.

Аҳоли саломатлиги профилактикаси, аввало, қишлоқлардан бошланиши ва бунга жавоб берадиган яхлит тизим бўлиши кераклиги қайд этилди. Масалан, сувнинг ифлосланиши буйрак, ошқозон-ичак хасталиқларига, атмосферадаги радиация, озик-овқат маҳсулотларида кимёвий вазирларнинг кўпчилиги онкологик, нотўғри турмуш тарзи юрак-қон томир, эндокрин, асаб касалликларига сабаб бўлмоқда.

Бу масалаларни чуқур таҳлил қилиб, аниқ дастурлар асосида жойларда манзилли иш ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Ҳозирги кунда жаҳон бўйлаб коронавирус инфекциясининг (COVID-19) тарқалиши юртимиз аҳолисини ҳам маълум маънода хавотирга солмоқда. Дунёда жамоат саломатлиги тизимини, гўёки синовдан ўтказаятган ушбу хасталикнинг Ўзбекистонга кириб келмаслигини таъминлаш, аввало, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими, профилактика ишларини яқинда юқори даражага кўтаришни тақозо этади, деди давлатимиз раҳбари.

Шу муносабат билан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Санитария-эпидемиология осойишталик агентлигига бу борада қўрилаётган карантин ва профилактика чоралари бўйича қўшимча топшириқлар берилди.

Бунда, энг аввало, халқаро тажриба асосида Санитария-эпидемиология осойишталик агентлигига Аҳоли соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш марказини бириктириб, агентлик салоҳиятини ушбу вазифаларни самарали ташкил этишга қаратиш кераклиги таъкидланди.

Агентликнинг вилоятлар ҳамда туман ва шаҳарларда алоҳида марказлари ташкил этилади. Қишлоқ поликлиникаларида бу ишларни самарали йўлга қўйиш учун унчагина мутахассислар ажратилади. Улар қишлоқ аҳолиси ўртасида тўғри овқатланиш, гигиенага риоя қилишни тарғиб этади, онкологик, юрак-қон томир касалликларига мойил бўлганларни барвақт аниқлаш билан шуғулланади.

Қишлоқ врачлик пунктлари аҳолини юқумли ва юқумли бўлмаган касалликлар бўйича мақсадли тиббий кўрик ва сўровдан ўтказишни ташкил этиши зарурлиги айтиб ўтилди. Масалан, 40 ёшдан ўтганда инфаркт, инсульт, диабетга, 35 ёшдан ошган аёлларда эса саратонга мойиллик пайдо бўлади.

Шунингдек, агентлик ходимлари ҳар бир хонадон, таълим муассасалари ва ташкилотларга бориб, аҳоли ўртасида тўғри овқатланиш, дам олиш, жисмоний тарбия билан шуғулланиш ишларини ташкиллаштиради.

Президентимиз ушбу соҳада фанни ривожлантириш, илмий-тадқиқот муассасаларини қўллаб-қувватлаш борасида мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

Мазкур муассасалар ҳудудлардаги касаллик омишлари ва сабабларини таҳлил қилиб, уларнинг ҳар бири бўйича тавсиялар ишлаб чиқиши, агентлик ҳар бир ҳудуд бўйича дастурлар қабул қилиши ва ҳокимликлар билан ижросини ташкил этиши лозимлиги таъкидланди.

Шу билан бир қаторда, илмий-тадқиқот муассасаларининг ҳозирги аҳоли бу ишларни ташкил этишга тайёр эмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Овқатланиш, меҳнат, ўсмирлар гигиенаси билан шуғулланадиган, санитар меъёр ва қоидаларни ишлаб чиқувчи илмий-тадқиқот институтида атиги 13,5 та штат мавжуд.

Шунингдек, ёш болалар ўртасида паразитар, рахит ва дистрофия касалликлари хавфи катта бўлса-да, уларнинг олдини олиш ва даволашнинг самарали тизими йўлга қўйилмаган. Ваҳолонки, ушбу хасталиклар болаларнинг иммун тизимини ишдан чиқариб, бошқа дардларга мойиллигини кучайтиради.

Шу сабабли Самарқанддаги Тиббий паразитология илмий-тадқиқот институти клиникаси Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий текшириш институти билан бириктирилади. Улар негизда Эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар республика илмий-амалий тиббиёт маркази ташкил этилиб, даволаш жараёни илм билан бирга амалга оширилади.

Давлатимиз раҳбари яна бир муҳим масалага эътибор қаратди — хасталик омишларини таҳлил қилиб, даволловчи шифокорларга профилактика йўналишида асосланган тавсия берадиган мутахассисларни тайёрлаш зарурлигини таъкидлади.

Н. И. Пирогов номидаги Россия тиббиёт илмий-тадқиқот университети ҳамда Туркиянинг Баҳшеҳир университети филиал ва клиникаларини очиш ишларини жадаллаштириш кераклиги қайд этилди.

Йиғилишда юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларни барвақт аниқлаш, ҳисобини юритиш, таҳлил ва статистикасини тўғри йўлга қўйиш масалалари батафсил муҳокама қилинди.

Масалан, 2018 йилда 24 мингтага яқин аниқланган хавфли ўсма касалликларининг 55 фоизи 3 ва 4-босқичда аниқланган. Бу ҳар иккинчи беморнинг даволанишига умид йўқлигини англатади.

Шу муносабат билан касалликларнинг олдини олишда содда, лекин замонавий ва самарали услубларни қўллаш, уларни жорий этиш қўламлигини кенгайтириш лозимлиги айтиб ўтилди.

Мисол учун, оддийгина вазн, бўй, бел айланаси, қон босимини ўлчаб, турмуш тарзини сўраб-суриштириб, инсонда инфаркт, инсульт, диабет, гипертензия каби кўплат касалликларни барвақт аниқлаш мумкин.

Йиғилишда аҳоли саломатлигини назорат қилиш тизимини ҳам қайта кўриб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Хусусан, озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизими яратилмаган, дейишга асослар етарли. Мисол учун, уларнинг таркибида техник пальма мойининг ишлатилиши қатъиян тақиқланган, лекин буни аниқлайдиган механизмлар йўлга қўйилмаган. Ваҳолонки, ушбу маҳсулот инсон организми учун ғоят зарарли бўлиб, ҳаётий муҳим органларни ишдан чиқариши билан бирга онкологик касалликларга сабаб бўлади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича мутасадди раҳбарлар ҳисобот берди, тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ «ОЛИЙ ДАРАЖАЛИ ДЎСТЛИК» ОРДЕНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 30 сентябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2019 йил 11 октябрда маъқулланган

1-модда. «Олий Даражали Дўстлик» ордени таъсис этилсин.

2-модда. «Олий Даражали Дўстлик» ордени тўғрисидаги низом тасдиқлансин (илова қилинади).

3-модда. «Олий Даражали Дўстлик» орденининг тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги 176-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 11 апрелда қабул қилинган ЎРҚ-473-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 221-модда; 2019 йил, № 9, 589-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **8-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг орденилари таркибига «Олий Даражали

Дўстлик» ордени ҳам қиради»;

2) **15-модда** қуйидаги мазмундаги **саккизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Олий Даражали Дўстлик» ордени кўкракнинг ўнг томонига ёки ордени занжирида тақилади»;

саккизинчи – ўн тўртинчи қисмлари тегишинча **тўққизинчи – ўн бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

ўн иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Планкалардаги ленталарни тақиб юриш қоидалари олий мукофот белгиси – «Олтин Юлдуз» медалига, «Мустақиллик», «Амир Темур», «Жалолитдин Мангуберди», «Олий Даражали Дўстлик» ордениларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонларига доир кўкрак нишонларига нисбатан қўлланилмайди».

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 11 март
№ ЎРҚ—609

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 11 мартдаги ЎРҚ-609-сонли Қонуни билан

ТАСДИҚЛАНГАН

«Олий Даражали Дўстлик» ордени тўғрисида НИЗОМ

1. «Олий Даражали Дўстлик» ордени билан Ўзбекистон Республикаси халқининг чексиз ҳурмат ва эҳтиром рамзи сифатида Ўзбекистон Республикаси билан ўзаро дўстлик, ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини барқарор ривожлантиришда, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни ҳал этишда юксак сиёсий ирода намоён этган, фаол ташаббусларни илгари сурган ва кўп қиррали ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга янгича рух, чуқур ва амалий мазмун бағишлаган ҳамда Ўзбекистон Республикаси олдидagi алоҳида эътироф этилган юксак хизматлари учун:

хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари;

хорижий мамлакатлар парламентлари вакиллари;

халқаро ташкилотлар, дипломатик ваколатхоналар, консуллик муассасалари ҳамда уларга тенглаштирилган бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакиллари;

атоқли давлат ва жамоат арбоблари, илм-фан, таълим ва тарбия, соғлиқни сақлаш, маънавият, маданият ва спорт соҳаларининг кўзга кўринган улкан намоёндалари, инсонпарварлик руҳидаги эзгу ишлари билан ном қозongan меценатлар, бизнес ҳамжамиятининг таниқли вакиллари мукофотланади.

2. «Олий Даражали Дўстлик» ордени билан: Ўзбекистон Республикаси билан чет давлатлари ўртасида ҳар томонлама манфаатли шериклик муносабатларини ривожлантириш, ўзаро ҳурмат ва ишончни кучайтиришдаги шахсий ҳиссаси;

хорижий мамлакатларнинг халқлари билан дўстлик, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик

муносабатларини мустаҳкамлаш борасида кўрсатган алоҳида хизматлари;

умуминсоний ва миллий маънавий қадриятларни, тарихий меросимизни асраб-авайлаш, ўрганиш ва кенг тарғиб этиш, турли халқлар маданияти ва санъатини янада бойитишдаги фаол иштироки;

ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириш, йирик ижтимоий-иқтисодий ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, шунингдек инновацион ғоя ва технологияларни яратиш ҳамда турли соҳаларга татбиқ этишда эришган салмоқли натижалари;

илм-фан ва маърифат, маданият, санъат ва адабиёт, таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳаларини, шунингдек инсон капиталини ривожлантириш борасидаги катта ютуқлари; инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, хотин-қизлар ва болаларни қўллаб-қувватлаш, оила институтини мустаҳкамлашдаги кўп йиллик ва фидокорона меҳнати;

кучли ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш, фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатимизни демократик янгилашдаги роли ва аҳамиятини ошириш, жамият ва давлат ўртасидаги тизимли ва самарали мулоқотни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари;

экологик муаммоларни ҳал этиш, сайёрамиз ва мамлакатимизда қулай атроф-муҳитни таъминлаш, инсон генофондини сақлаш, биохилма-хиллик ва табиий бойликларни асраб-авайлаш, ҳозирги ва келгуси авлоднинг экологик хавфсизлиги ҳақида ғамхўрлик қилишга қаратилган кўп йиллик самарали фаолияти;

халқаро миқёсдаги улкан жамоатчилиги,

гуманитар ва хайрия фаолияти учун мукофотланади.

3. «Олий Даражали Дўстлик» ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар тақдирланиши мумкин. Бунда «Олий Даражали Дўстлик» ордени чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун Ўзбекистон Республикасининг олий давлат мукофоти ҳисобланади.

4. «Олий Даражали Дўстлик» ордени билан мукофотлаш Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан амалга оширилади. Орден билан мукофотлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

5. «Олий Даражали Дўстлик» орденини ва мукофотлаш тўғрисидаги тегишли ҳужжатни топшириш Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ёки унинг топширигига биноан бошқа мутасадди раҳбарлар томонидан тантанали вазиятда амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти «Олий Даражали Дўстлик» ордени билан мукофотлаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ташаббуси билан амалга оширилади.

7. «Олий Даражали Дўстлик» ордени билан мукофотланган шахслар базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз баравари миқдоридagi бир марталик пул мукофоти ёки эсдалик совғаларини оладилар, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлардан фойдаланадилар.

8. «Олий Даражали Дўстлик» ордени тегишли кетма-кетликка риоя этган ҳолда кўкракнинг ўнг томонига ёки ордени занжирида тақиб юрилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 11 мартдаги ЎРҚ-609-сонли Қонуни билан

ТАСДИҚЛАНГАН

«Олий Даражали Дўстлик» орденининг ТАВСИФИ



«Олий Даражали Дўстлик» ордени 1 микро қалинликдаги 999 пробали олтин билан қопланган 110 грамм оғирликдаги 916 пробали кумушдан тайёрланади ва тўртта қопламали медальондан иборат бўлади.

Биринчи ва иккинчи медальонлар ўзаро уйғунликда қуёш тимсолидаги ўн олти қиррали юлдузни ифодалайди.

Диаметри 63,4 миллиметрли оксидланган кумушдан тайёрланган биринчи саккиз қиррали юлдуз қирраларининг ҳар бири учта нурдан ташкил топган.

Диаметри 70 миллиметрли иккинчи саккиз қиррали юлдуз оч

хира кумушдан тайёрланган ва зарҳал ҳошияли қавариқ нурлардан иборат. Нурларнинг устки қисмига узунлиги 7,8 миллиметрли саккиз қиррали юлдузни ифодалайди ҳамда унинг устки қисмига сирланган кумушдан ва нақшли тошлардан тайёрланган диаметри 39,5 миллиметрли тўрт қиррали нурларга эга бўлган саккиз қиррали юлдуз жойлаштирилган.

Орденнинг марказида жойлашган тўртинчи медальон диаметри 24,6 миллиметрли, кўк рангли эмаль билан қопланган, зарҳалланган айлана билан ўралган ва пастки четлари 2,4 миллиметр ўлчамдаги 0,96 карати 6 та бриллиант билан нақшланган доирани ифодалайди. Медальоннинг юқори қисмида зарҳалланган «OLIY DARAJALI DOSTLIK» ёзуви туширилган. Харфларнинг баландлиги 2,3 миллиметр.

Медальон марказида диаметри 17,2 миллиметрли зарҳал доира ичида тинчлик ва дўстлик рамзи бўлган очиқ кафтлар ҳамда тумшугида зайтун новдасини тутиб турган қабутарнинг зарҳалланган қавариқ тасвири ифодаланган.

Орден занжирининг марказий ҳалқаси кўк рангдаги эмаль билан қопланган доирага туширилган иккита ўзаро боғлиқ саккизбурчакни ташкил қилади. Кўтарилаётган қуёш фонига Хумо қуши тасвирланган.

Орден иккита маҳкамлагичга эга: 1) гайкага бураб қотириладиган бурама маҳкамлагич;

2) орден занжирига мустаҳкамланадиган ечиладиган қисқич.

Орденнинг орқа томонига 2 миллиметрли ўлчамдаги ботиқ шрифт билан мукофот рақами туширилади.

Узунлиги 700 миллиметрли орден занжири 916 пробали, оғирлиги 170 грамм бўлган, 1 микро қалинликдаги 999 пробали олтин билан қопланган кумушдан тайёрланади. Занжир йирик ва майда ҳалқаларга бўлинади. Диаметри 45 миллиметр бўлган йирик ҳалқалар орденнинг марказий медальони тасвирини ифодалайди, кичик ҳалқалар 18 миллиметрли саккиз қиррали юлдузлардан иборат. Занжир 22 та ҳалқалар, шу жумладан илгакдан иборат.

Орден занжирининг марказий ҳалқаси кўк рангдаги эмаль билан қопланган доирага туширилган иккита ўзаро боғлиқ саккизбурчакни ташкил қилади. Кўтарилаётган қуёш фонига Хумо қуши тасвирланган.

ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАЛАРИ ҚИЗҒИН ВА ФИКРЛАР ҚАРАМА-ҚАРШИЛИГИДА ЎТДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси қизғин баҳс-мунозара ва фикрлар қарама-қаршилигида ўтди. Унда кўриб чиқилган қонун лойиҳаларининг барчаси долзарб аҳамиятга эга бўлиб, депутатлар ҳар бир масалага жиддий эътибор қаратишди.

Маъмурий-худудий тузилиш масалалари тизимли ҳал қилинади

“Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамасида таъкидланганидек, 1996 йилда қабул қилинган амалдаги қонун юртимизда маъмурий-худудий тузилиш масалаларини тизимли ҳал этишни таъминлай олмаяпти. Маъмурий-худудий тузилиш масалалари бўйича таклифларни давлат экспертизасидан ўтказиш тартиб-таомиллари ишлаб чиқилмаган ва тартибга солинмаган.

Маъмурий-худудий тузилиш масалалари бўйича қарор қабул қилиш учун зарур бўладиган ҳужжатлар рўйхати мавжуд эмас. Бу каби омиллар соҳанинг ривожланишига тўсиқ бўляпти. Шунингдек, мазкур масалаларда чукр тahlил этилмаган қарорларнинг қабул қилинишига замин яратмокда.

Янги қонун лойиҳасига юқоридаги камчиликларни бартараф этишга қаратилган моддалар киритилган. Хусусан, маъмурий-худудий тузилиш масалалари бўйича таклифларни давлат экспертизасидан ўтказиш механизми ўрнатилган ва мазкур масалаларда да махсус комиссиялар тузиш ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил этиш ҳуқуқий нормалар асосида белгиланган.

Депутатларнинг қайд этишича, мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши соҳадаги ҳуқуқий нормаларни самарали амалга оширишни таъминлайдиган таъсирчан механизмларни жорий этиш, маъмурий-

худудий бирликлар ва аҳоли пунктлари Давлат реестрини юритиш механизмларини жорий этишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.

Мажбурий аъзолик бадали юзасидан эътироз билдирилди

Янги тахрирдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳаси қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Қайд этилганидек, халқаро принцип ва илгор тажрибалар асосида аудиторлик фаолиятини тартибга солишининг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмини яратиш, аудиторлик фаолиятини лицензиялаш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини соддалаштириш ва аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун қоғоз шаклдаги лицензия беришни бекор қилиш қонун лойиҳасининг асосий мақсади ҳисобланади.

Депутатлар мана шу масалалардан келиб чиқиб, ушбу ҳужжатни синчиқлаб кўриб чиқишди. Қонун лойиҳаси эскирган, ҳаволаки мезъ-ёрларни қайта кўриб чиқиш ва тўғридан-тўғри амал қиладиган янги нормаларни жорий қилишга йўналтирилган.

Таъкидланганидек, юртимизда 2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига 98 та аудиторлик ташкилоти фаолият кўрсатмокда. Аудиторлар сони эса 584 кишини ташкил қиладди.

Депутатларнинг қайд этишича, қонун лойиҳасида таклиф қилинаётган ўзгартиш ва қўшимчалар

аудитни тартибга солиш соҳасидаги синовдан ўтган халқаро амалиёт принципларига асосланган.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши аудиторлик фаолиятини тартибга солиш, аудитнинг халқаро стандартлари асосида мустақил аудит ўтказиш амалиётини татбиқ этиш, аудиторлик ташкилотларининг хизматлари сифати ва рақобатбардошлигини оширишда муҳим ҳуқуқий асос бўлади.

Мажлисда айрим депутатлар томонидан қонун лойиҳасидаги баъзи нормаларга эътирозлар билдирилди. Ушбу ҳужжатга талабчанлик билан эътибор қаратиш зарурлиги айтилди. Мисол учун, аудиторлик хизматини лицензиялаш, мажбурий аъзолик бадали масалалари қизгин муҳокамаларга сабаб бўлди. Аудиторлар палатаси аудиторлар манфаатларини қай даражада ҳимоя қилаётгани, ҳужжатда ҳам сертификат бериб, ҳам уларни текшириш кўзда тутилаётгани қай даражада тўғри, деган саволлар ўртага ташланди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан концептуал жиҳатдан маъқулланди.

Айрим ваколатлар Вазирлар Маҳкамасидан Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига берилмокда

Мажлисда “Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги Қонунига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”-ги қонун лойиҳаси ҳам атрофича кўриб чиқилди.

Мазкур ҳужжатнинг мақсади “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг тегишли

бандларига ўзгартиш киритишга қаратилган.

Унга кўра, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси низоми ҳамда Ахборот-кутубхона ва Ахборот-ресурс марказларининг намунавий низомиларини тасдиқлаш ваколати Вазирлар Маҳкамасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига берилмокда.

Муҳокамаларда қонун лойиҳасига киритилаётган ушбу ўзгартишга изох берилди. Президентимизнинг 2019 йил 2 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, агентлик ахборот-кутубхона фаолияти бўйича махсус ваколатли орган этиб белгиланган.

Шу муносабат билан парламент аъзолари қонун лойиҳасига ахборот-кутубхона фаолияти соҳасида махсус ваколатли орган ваколатларини кенгайтиришга тегишли ўзгартишларни киритиш зарурати келиб чиққанини қайд этишди.

Мажлисда қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.

Қуйи палатада илк бор...

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятида янги амалиётга ўтилди. Мажлисда парламент тарихида илк бор депутатларнинг шу йил февраль ойининг сўнгги кунларида ўз сайлов округларида ўтказган учрашувлари якунлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Авваллари сайлов округларидаги фаолият фракцияларнинг ўзини дагина муҳокама қилинган, холос. Бу сафар ушбу масала ялпи мажлис даражасига олиб чиқилди. Босиси янги шaroитларда фаолият

юритаётган янги парламент давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида белгилаб берилган устувор вазифаларга мос равишда иш олиб боряпти.

Мажлисда ана шу тахлилий-танқидий ўрганишлар якунлари бўйича ахборот депутатларга тақдим этилди.

Ўрганишлар жараёнида парламент аъзолари томонидан қатор учрашувлар ташкил этилиб, фуқаролар қабули ўтказилди. Хонадонлар ва ижтимоий соҳа объектларида бўлган депутатлар ёшлар, тадбиркорлик субъектлари вакиллари билан суҳбатлашди. Аниқланган муаммоларнинг айримлари жойида ўз ечимини топди. Туман ва шаҳар даражасидаги 920 та, вилоят даражасидаги 416 та масала депутатлар томонидан маҳаллий ижро ҳокимияти билан биргаликда ҳал этиш чоралари кўрилмокда.

Қуйи палатадаги сиёсий партиялар фракциялари томонидан республика даражасидаги тизимли 309 та масалани парламент назоратининг парламент сўрови, парламент эшитуви, қўмита эшитуви, депутат сўрови каби шаклларидан фойдаланган ҳолда бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Масалан, ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари жойларда учраётган тизимли муаммолардан бири — ер-жой ажратиш, кадастр хизмати билан боғлиқ масалани тезкор равишда парламент даражасида кўтариб чиқди.

Депутатларнинг сайлов округларидаги учрашувлари самарадорлигини янада ошириш мақсадида Қонунчилик палатасидаги бошқа депутатлар фракциялари ҳам ўз мажлисларида сайлов округларидаги учрашувлар натижаларини мунтазам муҳокама қилиб, аниқланган муаммо ҳамда камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини тизимли равишда амалга оширишга киришмокда.

Мажлисда депутатларнинг сайлов округларидаги навбатдаги учрашувларини ҳам янгича шакл ва ёндашувлар асосида ташкил этиш юзасидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар тингланди.

Зиёда АШУРОВА

(«Халқ сўзи»).

МАҲАЛЛИЙ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академиясида Олий Мажлис Сенати томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари учун ташкил этилган ўқув-семинарлар давом этмокда. Унда маҳаллий Кенгашларнинг 831 нафар депутати қатнашиши кўзда тутилган.

Депутатлар эътиборига тақдим этилаётган ўқув дастурида Президентимизнинг парламентга Мурожаатномасида белгиланган устувор вазифалар, жойлардаги маҳаллий вакиллик органлари, уларнинг доимий комиссиялари ва депутатлари фаолиятини самарали ташкил этиш, сайловлар ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ишлаш, қонунлар ижросини таъминлаш ва уларни тарғиб қилиш каби мавзуларда машғулотлар ўтказилмокда.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари иштини самарали ташкил этиш, айниска, уларнинг сессияларини қақуриш ва ўтказишга таалуқли масалалар навбатдаги семинар мавзуси бўлди. Маҳаллий Кенгаш иш режаси асосий иш шакли бўлиб, уни фаолиятнинг барча хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, пухта ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди. Ушбу ҳужжатни ишлаб чиқишдан аввал Кенгаш таркибидagi дои-

Абатбай ДАНИЯРОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари қўмитаси раиси:



— Давлатимиз раҳбари томонидан Сенатнинг биринчи мажлисида маҳаллий Кенгашларни ривожлантириш ва қучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Биз, депутатлардан жойлардаги ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан

миий комиссиялар ўз иш режаларини шакллантириши муҳимдир. Шу билан бирга, комиссия ва Кенгашлар янги қабул қилинган қонунларни тарғиб қилиш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича ўтказилаётган ишларга эътибор қаратиши лозимлиги таъкидланди.

Ўқув дарслари давомида интeрфаол усуллардан фойдаланган ҳолда амалий машғулотлар ҳам ўтказилди. Иштирокчилар учун “Тайм менежмент: вақтдан умумли фойдаланиш”, “Мулоқот самарадорлиги”, “Қарорлар қабул қилиш” мавзуларида махсус тренинглар ҳам олиб берилмокда.

Жорий йил 16 мартдан 2 майга қадар давом этадиган иккинчи босқичда эса халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларининг 5 739 нафар депутати қатнашади. Ўқув-семинарлар Давлат бошқаруви академияси билан ҳамкорликда худудларда ҳам ўтказилиши белгиланган.

қонун ҳужжатларининг ижроси масалаларини назорат қилишни қучайтириш талаб этилмокда. Бу ҳар бир сессиянинг муҳокама-сига қўйиладиган энг муҳим масала ҳисобланади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ўқув дарсларида бу борадаги ишларимизни тўғри йўлга қўйиш, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий билимларини янада мустаҳкамлаш, ўз фаолиятларини тўғри ташкил этиш, аҳоли билан самарали мулоқот олиб бориш борасидаги қўнчималарини шакллантириш юзасидан зарур кўрсатмалар берилмокда.

БОЛАЛАР ҲАМ АЛИМЕНТ УНДИРИШ ТЎҒРИСИДА ДАВВО ҚЎЗҒАТИШГА ҲАҚЛИ

Қуни кеча давлатимиз раҳбари “Бола ҳуқуқларининг қўшимча кафолатлари белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунни имзолади. Мазкур Қонун Олий Мажлис Сенатининг иккинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан маъқулланган эди.

Сенатор минбари

Қонун билан Оила кодекси, Фуқаролик процессуал кодексига, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунларга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилди.

Хусусан, Оила кодексига киритилган ўзгартишларга кўра, эндиликда оилда боланинг манфаатларига таалуқли ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда бола ўз фикрини ифода этишга имкон яратилади. Шунингдек, суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама даврида бола ўзи сўзлашга ҳақлидир. Бунда қарор қабул қилишга ваколатли бўлган органлар ва мансабдор шахслар боланинг манфаатларига таалуқли масалаларни ҳал қилишда боланинг фикрини, унинг ёшидан қатъи назар, кўриб чиқиши ҳамда боланинг энг устун манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қарорлар қабул қилиши лозим.

Ота-она ва бола алоҳида-алоҳида яшган тақдирда, васийлик ва ҳомийлик органлари, шунингдек, ўн тўрт ёшга тўлган бола бир вақтнинг ўзида ота ва онадан вояга етмаган болаларнинг таъминоти учун алимент ундириш тўғрисида даъво қўзғатишга ҳақли.

Қонунга кўра, боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганда, шу жумладан, ота-она (улардан бири) ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар болага таъминот, тарбия ва таълим бериш бўйича мажбуриятларини бажармаганда ёхуд ота-оналик ҳуқуқларини суиистеъмол қилганда, бола ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб васийлик ҳамда ҳомийлик органига мустақил равишда мурожаат этишга ҳақли. Бундай мурожаатларни бола тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаганлиги сабабли кўриб чиқмасдан қолдиришга йўл қўйилмайди.

Шунингдек, Қонун билан Фуқаролик процессуал кодексига ҳам ўзгартишлар киритилган.

Хулоса ўрнида айтганда, ушбу ҳужжат Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция талабларини ҳар томонлама ҳаётга татбиқ этиш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларда назарда тутилган болаларнинг ҳуқуқларини амалда кафолатлаш мақсадларига хизмат қилади.

Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси.

ЭНДИ ФЕРМЕР ЕТИШТИРГАН ҒАЛЛАСИНИ ЎЗИ ТАСАРРУФ ЭТАДИ

Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги, фермеру деҳқонларимиз фаолиятида янги, тарихий аҳамиятга эга давр бошланмокда. Гап шундаки, жорий йил 6 март куни давлатимиз раҳбари томонидан “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Ғалла етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлар имзоланди.

Тарихий ҳужжат

Булар нафақат мазкур соҳани янада юқори поғонага кўтарувчи, балки меҳнат-кашларнинг азалий оруз-ниятларини рўёбга чикарувчи муҳим ҳужжатлар ҳисобланади. Бинобарин, энди фермерларимиз янада эркин ишлайди. Улар ўзлари етиштирган махсулотни ўзлари эркин сотади, даромадини мустақил тасарруф қиладди. Масалан, йиллар давомида ғалла етиштириш ва уни қайта ишлашининг давлат томонидан қатъий бошқарилиши, етиштирилган донни бозор баҳосига нисбатан паст нархларда харид қилиш амалиёти фермерларимизнинг ҳосилдорлиқни оширишга, ғалла етиштириш ҳажмини кўпайтиришга бўлган қизиқишга салбий таъсир кўрсатганди. Оқдий қилиб айтганда, деҳқон қанча кўп меҳнат қилмасин, кам манфаат кўради. Бири икки бўлмасди. Топган пулига ўзи эга эмасди. Энди эса бундай ҳолатларга чек қўйилмокда.

Бу борадаги ишларга бугун киришилаётгани йўқ, албатта. Ушбу масалалар Президентимизнинг доимий эътиборида. Хусусан, кейинги уч йилда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ғалланинг харид нархи сезиларли даражада ошириб борилиши натижасида 33 мингдан ортиқ ғалла етиштирувчи фермерларимизда моддий манфаатдорлик ҳисси ортди. Пировардида ўтган йилли республикаимизда ўртача ҳосилдорлик 65 центнердан ошиб, қишлоқ мулкдорлари томонидан 7 миллион тоннадан зиёд бошоқли дон етиштирилди.

Шунингдек, ўтган йилнинг октябрь ойида ғалла етиштирувчи фермер ҳўжалиқларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши Олий Мажлис Қонунчилик па-

латаси ҳамда Ҳукуматга Мурожаатнома билан чиққан ва бу ташаббус қўллаб-қувватланган эди. 6 март куни қабул қилинган қарор билан жорий этилаётган ўзгаришлар эса ғаллачиликда қулай агробизнес муҳитини яратиб, меҳнат унумдорлигини янада оширишга, ғалла етиштирувчи фермерларнинг манфаатдорлиги ҳамда молиявий барқарорлигини таъминлашга хизмат қиладди. Ушбу ҳужжат туфайли жорий йил ҳосилидан бошлаб давлат бюрутмаси асосида бошоқли дон етиштириш амалиёти босқичма-босқич бекор қилинади. 2021 йилдан эса давлат томонидан ғалла-ҳарид нарҳини белгилаш амалиётидан тўлиқ воз кечилди ва давлат хариди ҳам тўлиқ бекор қилинади. Фермерлар ва бошқа ғалла етиштирувчилар ғаллани сотиш борасида тўлиқ мустақил бўлиб, етиштирилган махсулот барча истеъмолчиларга биржа савдолари орқали ёки тўғридан-тўғри шартномалар асосида эркин нархларда сотилади. Қолаверса, ички бозорда дон ва нон махсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш учун зарур миқдордаги дон махсус жағмарга томонидан эркин нархларда харид қилинади.

Эндиликда давлат томонидан харид қилинадиган бурғой факатгина давлат корхоналари омборларида эмас, балки мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналарнинг донни саклаш талабларига жавоб берадиган омборлари ёки сигимларида шартнома асосида сакланиши мумкин.

Бундан ташқари, ҳар йили 1 августга қадар келгуси йил ғалла ҳосили учун қўтилаётган минимал нархлар оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади ва бозорлардаги нархлардан келиб чиқиб

АВТОМОБИЛЛАР НАРХИ ЎЗГАРИШИ БЎЙИЧА МУТАСАДДИЛАР ИЗОҲ БЕРДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси ташаббуси билан “Ўзавтосаноат” АЖ мутасаддилари иштирокида очик мулоқот ўтказилди.

Унда кейинги пайтларда аҳоли томонидан оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармокларда автомобилларнинг нархи ошиши муносабати билан бўлаётган турли танқидий қиқиш ва муносабатлар юзасидан мутасаддилардан тушунтириш бериш сўралди.

Очик мулоқот

Депутатлар мутасаддиларга саволлар билан мурожаат этиб, бир қатор масалаларни кўтарди. Чунончи, депутат Қодир Жўраев нима учун автомобиллар баҳоси ими-жиммида оширилгани, қолаверса, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган автоуовлар халқимиз учун қиммат нархда, чет элда эса аксинча, арзон баҳода сотилаётгани ҳақида мурожаат қилди.

“Ўзавтосаноат” вакили Шуҳрат Мирсамуков нархларни оширишдан аввал анча вақт ўрганишлар олиб борилгани, таҳлиллар ўтказилгани, шундан сўнг қарор қабул қилинганини билдирди.

— Аҳолиимизга сотилаётган автомо-

биллар қиммат эмас, — дея изохлади Ш. Мирсамуков. — Масалан, “Кобальт” автомашиниси Ўзбекистон бозорига 10028, Россияда 10138, Қозоғистонда эса 10684 АҚШ долларидан сотилмокда. Ёки мамлакатимизда харидорларга 9101 доллардан таклиф қилинаётган “Нексия” автомашинаси Россияда 9831, Қозоғистонда 9129 доллар туради. Худди шундай, “Спарк” 7710 доллар, Россияда 9831, Қозоғистонда 10579 доллар бошланғич нархларни ташкил этади. Энди интернетда, ОАВда тарқатилиётган кўп хабарлар бор, яъни сайтдан олингандай қилиб, арзон нархлар кўрсатилади. Бу бўйича ҳам ўрганиб чиқдик. Бу ўша корхоналар стратегияси, улар бизнинг дилерлардан автомашиналарни олган, одамларни жалб қилиш мақсадида арзон нархларни

кўрсатиб, пулини олади, лизинг дейди, хуллас, ҳар хил ваҳлар билан машинани сотишга ҳаракат қиладди. Улар бизнинг расмий дилерларимиз эмас. Уларга ишонмаслик керак.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Расул Кушербаев автомашиналарнинг экспорт вариант билан ўзимизда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар сифатида фарқ борлиги сабабини сўради.

Ўз навбатида, “Ўзавтосаноат” вакилларида бири ҳар қандай автомобиль ишлаб чиқарувчи заводда бундай камчиликлар бўлишини, мавжуд ҳолатлар аниқланганда, уни тузатишга, ишлаб чиқариш жараёнида камчиликни бутунлай бартараф этишга ҳаракат қилишни айтиб ўтди.

Депутатлар кўтарган ҳар бир масалага “Ўзавтосаноат” АЖ мутасаддилари ва мутахассислари аниқ мисоллар билан оидилик киритишга ҳаракат қилди.

— Очик мулоқотда мутасаддиларнинг автомобиллар нарҳининг ошишини валюта девальвацияси, ҚҚС тўловлари билан изохлаши кишини таажубига солади, — деди Олий Мажлис Қонунчи-

лик палатаси депутати Нодир Жумаев. — Ўз навбатида, бу ҳолат ички ва ташқи бозордаги умумий макроектисодий вазиятнинг ўзгариши билан боғлиқ эканлиги маълум қилинди.

Шу ўринда яна бир масала: миллий авто ишлаб чиқарувчилар 2020 йилнинг 4 мартага қадар шартнома имзолаган харидорлар учун шартномадаги барча шартлар саклаб қолинади, деа таъкидлашганди. Лекин янги нархлар ҳақидаги ҳудвал расмий сайтда 2020 йилнинг 9 март куни жойлаштирилди. Бу истеъмолчилар ҳуқуқларини бузиш эмасми?

Фикримизча, миллий авто ишлаб чиқарувчиларимизда узок йилларга мўлжалланган стратегик режа йўқ. Бугун давлатимиз раҳбари халқни рози қилиш, уларнинг манфаатларини таъминлаш борасида қўллаб ташаббусларни илгари сураётган бир шaroитда бу каби ҳаракатлар халқда эътироз уйғотishi табиий.

Умуман олганда, мамлакатимизда олиб борилаётган очиклик сиёсати давлатида “UzAuto Motors”нинг бу каби ҳаракати халқимиз манфаатларига ҳам, ислохотлар жараёнига ҳам мос эмас.

Сайловчиларни қийнаётган муаммолар ва уларни ташвишга солаётган масалалар юзасидан халқимизнинг фйдий хизматчили сифатида фаолият юритишга бел боғлаган депутатлар бу масалада алоҳида иш олиб боради. Алоҳида комиссия тузилиб, нархларнинг ўсиши бўйича мутасаддилар томонидан кўрсатилаётган сабаблар парламент назорати тартибида чуқур тahlил қилинади.

Ҳар бир ҳаракатимиз, амалга оширилаётган ислохотларимиз аҳоли манфаатларига хизмат қилиши керак. Фаолиятимизда шаффофлик бўлмас экан, биз б

Нуктаи назар

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ НИМА УЧУН МУҲИМ?

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида жамиятимиз олдига бир қатор ўзаро занжирсимон боғланган вазифаларни қўйди. Жумладан, рақамли иқтисодиётнинг тўлиқ жорий этилиши шаффофлиқни таъминлаб, “яширин иқтисодиёт”ни тугатиш ва ҳар бир ҳудудий раҳбар фаолиятига баҳо бериш имкониятини яратади. Демак, мазкур вазифаларни ўзаро боғлиқликда ўрганиш ва бажариш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, илм ахли ўтган даврда “Фан бошқа, ҳаёт бошқа” қабилида иш юритиб келди. Янги Ўзбекистонда эса фанга кенг йўл очилди. Жорий йилнинг “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб номланиши, айниқса, олимлар олдига салмоқли вазифаларни қўймоқда.

Тараққиёт кафолати

“Рақамли иқтисодиёт” атамаси Американинг Массачусетс университети профессори Николас Негропonte номи билан боғлиқ бўлиб, у 1995 йилда ахборот технологияларидан иқтисодиётда фойдаланиш жараёнини “рақамли иқтисодиёт” деб атаган. Афсуски, бугунги кунгача жабон илм ахли ҳам, маҳаллий олимларимиз ҳам мазкур атамани интернет алоқаси билан боғлаган ҳолда, унга “интернет-савдо” деб баҳо бериб келганлари ёки бўлмаса, “ишлаб чиқариш ва савдонинг ахборотлаштирилиши” деб чекланиб қолганлари унинг моҳиятини тўлиқ очиб бермайдди. Чунки биринчидан, олимлар мавжуд ҳолатдан келиб чиқиб, масалага баҳо беришмоқда, иккинчидан, илгор тармоқларни назарда tutиб, ахборот технологияларидан фойдаланишда иқтисодиётни тўлиқ қамраб ола билмаётпти. Мамлакатимизда жаҳондаги ривожланган давлатлар қаторида интернет-савдо, ишлаб чиқариши ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ахборот технологияларидан кенг фойдаланилаётганини эътиборга олиб, рақамли иқтисодиётга таъриф бериш билан чекланиш жараёнини жамиятдаги моҳияти тўлиқ рўёбга чиқишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Янги Ўзбекистон иқтисодиётининг ўзак мақсади фуқароларнинг яшаш шaroитини янада яхшилаш, ижтимоий аҳволини ўнғилаш ҳамда фаровонлигини оширишга қаратилган. Давлатимиз раҳбарининг тегishли Фармон ва қарорларига мувофиқ, ҳар бир оиланинг тадбиркор бўлиши, яъни ёшлар, хотин-қизлар ишбилармонлигини ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳалар, томорка эгаларига ахратилаётган кредитлар — буларнинг барчаси халқимизнинг фаровонлиги ҳамда иқтисодиётимизнинг ривожига хизмат қилаётгани шундан далолат беради. Зотан, Президентимиз таъкидлаганидек, халқ бой бўлса, давлат ҳам бой бўлади. Даромадимиз қанча ошса, тўлайдиган солиғимиз, яъни Давлат бюджетига кирим ҳам шунча ортади. Бу дегани — иқтисодиёт инсон ақл-заковати ва меҳнати замирида ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш), айирбошлаш, тақсимот ва қайта тақсимот жараёнларини ўзида муҷассамлаштирган бўлиб, унинг ахборот технологиялари ёрдамида комплекс равишда бошқарилиши “рақамли иқтисодиёт” деб аталади.

«Иккинчи интернет» майдони

Дунё технологик жараёнларидан орқада қолиш ҳар қандай жамиятни тубанликка олиб келади. Мамлакат жаҳоннинг хом ашё базаси ва иш кучи бозорига айланади. Бундай оқибатларнинг олдини олиш учун давлатимиз раҳбари 2018 йил 3 июлда “Ўзбекистон Респу-

ликасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 2 сентябрда “Рақамли ишонч” рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” ҳамда “Ўзбекистон Республикасида крeпто-биржалар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 21 ноябрда “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларни қабул қилди. Натижада жамиятимизда иқтисодиётнинг қўллаб тармоқларини рақамли бошқариш сисёати қонунлаштирилди, Президент ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги (НАПУ) республикамизда рақамли иқтисодиётни жорий қилиш учун мутасадди ташкилот этиб белгиланди. Агентлик томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар асосида республикада “Рақамли ишонч” рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди.

Бундан ташқари, Президент фармонлари ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 январдаги 31-сонли қарори билан “Рақамли ишонч” жамғармаси “Ўзбекгидроэнерго” АЖ давлат томонидан 100 фоиз таъсисчи этиб тайинланди. Ҳокимликлар ва тармок вазирликлари эса “Блокчейн” ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланишни назарда тутмоқдалар. Масалан, Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Universal” компанияси билан “Smart City” лойиҳасини тайёрлашда ёки Маданият вазирлиги тизимида маданият ва санъат муассасаларига чипта тарқатишда айнан “Блокчейн” технологиясидан фойдаланишларини билдиришди. Президент ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги 2018 йил 12 ноябрда республикада “Блокчейн”дан фойдаланишнинг биринчи пилот лойиҳаси — “Рақамли ишонч” жамғармасини Россия Федерациясининг “Blockchain Industrial Alliance” компанияси билан ҳамкорликда ишга туширилганлигини эълон қилди.

Албатта, мамлакатимиз бўйича глобал рақамли иқтисодиётни жорий этиш юқори малакали кадрлари ва улкан симиға эга бўлган “Блокчейн” ахборотлар технологиясини талаб этади. Республикамиз раҳбари ўзининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида бир миллионга дастуричи мутахассислар тайёрлаш тўғрисида тўхталиб, рақамли иқтисодиётни бунёд этувчи билимли кадрлар тайёрлаш топширигини берди.

Сир эмас, улкан ҳажмидаги маълумотларни ўзида сиғдира оладиган “Блокчейн” технологиялари иқтисодий ривожланган давлатлардан сотиб олиниши керак. У катта маълумотлар базаси бўлиб ҳисобланади ва унинг ёрдамида иқтисодиёт марказлашган ҳолда бошқарилиши мумкин. “Блокчейн”ни баъзи олимлар “иккинчи интернет” майдониға

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Жорий йилда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича туб бурилиш қилишимиз керак. Биринчи навбатда, қурилиш, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт, геология, кадастр, соғлиқни сақлаш, таълим, архив соҳаларини тўлиқ рақамлаштириш лозим” дея ўта муҳим вазифа қўйилган экан, буни рақамли иқтисодиётни жорий этиш учун зарур бўлган дастлабки тадбирлар, деб қарашимиз зарур.

қиёслашади. Иқтисодиётнинг барча тармоғи маълумотлари бир жойга йиғилиб, суперкомпьютерлардан иборат базаға жамланади. Бунда қўшимча маълумотларни йиғишга ҳожат қолмайди. “Блокчейн” маълумотлар базаси йирик бўлиб, унда маълумот сақлаган миқоз улари солиштириб, хоҳлаган пайтда берилган топшириқ шаклида маълумот олишга ва махфий сақланишига эришади. Макро-иқтисодиёт республика миқёсида бошқарилишини таъминлайди. Улкан маълумотлар базасига эга бўлган механизмнинг харажати ҳам шунга қараб кўп бўлиши табиий ҳол. Чунки бу соҳа катта миқдордаги электр энергиясини талаб этади. Хорижий матбуот маълумотларида виртуал активлар яратиш учун энергия сарфи алюминий казиб чиқаришдан 7 мартаба, олтиндан 4 мартаба кўплиги таъкидланган. Шу билан бирга, давлатимиз раҳбарининг қарорларида “Блокчейн” технологияларини жорий этиш 2021 йил 1 январдан бошланиши белгилаб берилганлиги сабаб адабиётларда ва бошқа турли чиқишларда ҳозирча “Блокчейн” атамасини ишлатишдан чегараланишни тавсия этардиқ. Негаки, давлат реестрлари, классификаторлари ва бошқа маълумотлар базаларини юритиш, жумладан, уларға киритилган ахборотларни янгилаш ва самарали фойдаланиш йўллари эндиғина ишлаб чиқилмоқда.

Яширилган маблағни аниқлаш имкони бўлади

“Яширин иқтисодиёт” ўз фаолиятини хуфийна олиб беради. Хом ашё сотиб олиш ёки тайёр маҳсулотни сотишни нақд пулда бажариб, банкдан ташқари айланма асосида солиқ ва бошқа тўловларни бажармайди. Пировардида жамият иқтисодий зарар кўрмоқда. Уни бартафад этиш учун иқтисодиётда шаффофликни йўлга қўйиш керак. Яъни иқтисодиёт тармоқларини рақамлаштириш республикамиз учун зарурий эҳтиёждир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Жорий йилда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича туб бурилиш қилишимиз керак. Биринчи навбатда, қурилиш, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт, геология, кадастр, соғлиқни сақлаш, таълим, архив соҳаларини тўлиқ рақамлаштириш лозим” дея ўта муҳим вазифа қўйилган экан, буни рақамли иқтисодиётни жорий этиш учун зарур бўлган дастлабки тадбирлар, деб қарашимиз зарур. Чунки ҳар бир тармоқда юқоридан пастки шохобчаларгача иш жараёнини ахборот технологиялари ёрдамида олиб боришни таъминласак, биринчи галда, макроиқтисодиётни рақамлаштиришимиз осонлашади, иккинчидан, тармоқлараро алоқалар ҳам рақамлаштирилади. Юртбошимиз

томонидан юқорида номлари қайд этилган тармоқлар 2020 йилда ўз тизимларида ахборот технологияларини тўлиқ жорий этиб, глобал тармоқнинг дастлабки шакли сифатида банк, солиқ ва божхона тизимлари билан рақамлар асосида маълумот айланишини йўлга қўйишлари керак. Ана шунда тармок вазириликлари томонидан ўз фаолиятлари юзасидан тақдим этилган маълумотлар банк, солиқ ва божхона томонидан жамланган маълумотлар билан солиштирилганда, иқтисодиётимиз равнақиға тўсиқ бўлиб турган фарқ аёнлашади. Уни қандай номламағн, аввало, банкдан ташқари айланма ва коррупция келтириб чиқарадиган омил бўлиб ҳисобланади.

Энди бугунги макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш амалиётини абстрактлаган ҳолда рақамли иқтисодиётга ўтиш муносабати билан кўрсаткичларни ахборот технологиялари ёрдамида тузиб, республика миқёсида “Блокчейн” маълумотлар базаси билан солиштириш натижасида қўлга киритиладиган натижаларни нисбий мисолда кўрсатиб ўтсак. Товар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш натижалари қуйидаги ҳолатларни ўз ичига олади: сотилиши ва маблағ ҳисоб рақамга тушиши, ўзида қайта ишлатилиши, жўнатилган товарлар (кўрсатилган хизматлар)ға пули олинмаганлиги ва товарлар сотилмай омборхонада турши. Демак, корхонадан бошлаб барча субъектлар иш фаолиятиға баҳо бериш юқоридаги кўрсаткичлар ёрдамида ҳисобланади. Махсулот сотилганлигини корхона ҳисоб рақамига тушган маблағ кўрсатса, жўнатилаи, лекин пули олинмаган қарздорлиқни тижорат банкида махсус юритиладиган ҳисоб рақам, махсулотнинг хом ашё сифатида қайта ишлатилиши ва омбордаги тайёр товарлар ҳажми корхона бухгалтерия балансида қайд этилади. Ягона глобал рақамли иқтисодиёт тизимиға уланган ҳар қандай ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимот ва қайта тақсимот шаффоф ҳолда кўринади. Худудлар ва вазирликлардан олинган ҳисоботлар “Блокчейн” маълумотлари билан солиштирилганда, қайси тизим ва худудда банкдан ташқари айланмалар борлиги аниқ кўрсатиб берилади.

Хулоса шуки, илм асосида ташкил этилган рақамли иқтисодиёт жамиятимиздаги барча камчиликларни бартараф эта оладиган ва таракқийтни янада жадаллаштирадиган ягона йўлдр.

Шавкат АЮПОВ,
Ўзр ФА
В. И. Романовский институт директори,
Математика институти директори,
академик, сенатор.
Ашур ҚОДИРОВ,
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор.

АҚШлик экспертлар:

«ЎЗБЕКИСТОН ДИНИЙ ЭРКИНЛИКНИ БУЗУВЧИ МАМЛАКАТЛАР РЎЙХАТИДАН ЧИҚАРИБ ТАШЛАНГАН САНОҚЛИ ДАВЛАТЛАРДАН БИРИДИР»

Ўтган йил ноябрь ойида АҚШ, Буюк Британия, Швеция, Покистон, Камбоджа, Украина ва Қозғоғстондан 40 дан ортиқ дишнушо олимлар, ҳуқуқ ҳамда дин соҳасидаги халқаро экспертлар, конфессиялар етакчилари ва ижтимоий фаол аёллардан иборат делегация Ўзбекистонға ташриф буюрганди. Улар ушбу сафар давомида Тошкент, Самарқанд шаҳарларида қонун устуворлиги ва эътиқод эркинлиги масалалари бўйича экспертлик учрашувлари, конфессиялараро мулоқотлар, илмий-амалий семинарларда иштирок этди.

Эътироф

Мазкур тадбирлар 2019 йилнинг сентябрь ойида Нью-Йоркда бўлиб ўтган Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Камиллов ва АҚШнинг алоҳида топшириқлар бўйича элчиси Сэм Браунбэк билан икки томонлама учрашув чоғида эришилган келишув асосида ташкил қилинди.

Яқинда АҚШнинг диний эркинлик соҳасидаги биринчи элчиси **Роберт Сайпел** томонидан асос солинган Глобал жалб қилиш институти халқаро нодавлат ташкилоти томонидан махсус видеолавҳа тайёрланди. Унда америкалик олимлар, диний етакчилар ва диний ҳуқуқ бўйича экспертлар Ўзбекистонға ташрифиға оид таассуротлари ҳақида сўзлаб бердилар, мамлакатимизда эътиқод эркинлигини таъминлаш, маърифий исломни тарғиб қилиш усуллари, динлараро тотувлик даражаси ва зиёрат туризми салохиятини мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган ислохотларға юқори баҳо беришди.

Хусусан, Глобал жалб қилиш институти вице-президенти **Жеймс Чен** унинг ташкилоти неға Ўзбекистонға қизиқиб қолгани ҳақидаги саволға қуйидагича жавоб берди: “Бунинг асосий сабабларидан бири — Ўзбекистонда сисёий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий жаҳаларда улкан ўзгаришлар рўй бермоқда. Аслида ҳам Ўзбекистон ҳар йили АҚШ ҳукумати томонидан шакллантириладиган диний эркинликни бузувчи мамлакатлар рўйхатидан чиқариб ташланган саноқли давлатлардан бири ҳисобланади. Бинобарин, биз Ўзбекистон ҳукумати ва унинг халқи билан яқин ҳамкорлик қилишни, уларнинг интилишларига эришишлари йўлида ўз ҳиссамизни қўйишни истаймиз”.

АҚШнинг диний эркинлик соҳасидаги алоҳида топшириқлар бўйича собиқ элчиси **Дэвид Саперштейн** ҳам Ўзбекистонда қайда ўтган экспертлараро мулоқот ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашди: “Америкалик ва диний эркинлик тарафдори бўлган бошқа мамлакатлардан борган экспертлар Ўзбекистондаги раҳбарлар, диний жамоалар, ҳуқуқшунос олимлар, шунингдек, давлат органлари вакиллари билан фаол ҳамкорлик қилди. Бу алоҳида аҳамият касб этган мулоқот бўлди. Зеро, ўрганиш ва энг яхши амалиётлар, ғоялар, қарашларни ўзаро алмашиш воситасида биз дунёни ижобий томонға ўзгартира оладиган ёндашувларни топшиға муваффақ бўлдиқ”.

Унинг фикрича, бугунги Ўзбекистондаги ҳолат эътиқодлараро муносабатларнинг ноёб воқеалигини ўзида ифодаламақда, зотан, диний конфессиялар вакиллари ақдйлик билан ҳаракат қилаяпти, тинчлик, хотиржамлик ва фаровонлик қарор топган жамиятни қуришмоқда.

Шимолий Америкадаги мусулмон жамоатчилигининг таниқли раҳбарларидан бири, АҚШдаги энг катта АДАМС масжиди имом-хатиби **Муҳаммад Маҳид** Ўзбекистонда эътиқод эркинлигини таъминлаш соҳасидаги ислохотлар фаол давом эттирилаётганини таъкидлади.

Унинг айтишича, жамиятда диннинг роли кучаймоқда, масжидлар, ислом цивилизацияси марказлари бунёд этилаётир. Муҳаммад Маҳид Ўзбекистон буюк алломалар ва диншуносларнинг бебаҳо мероси билан ислом тамаддуниға улкан ҳисса қўшганини эътироф этар экан, барчани ислом оламининг буюк намояндалари, мутафаккирлари абадий қўним тоғида ушбу заминдаги муқаддас қадамжоларни зиёрат қилишға чакирди.

Техас штатидаги Норт-Вуд черкови пастори **Боб Робертс** Самарқанда бўлиб ўтган динлараро мулоқотдан олган таассуротлари хусусида алоҳида тўхталиб ўтди.

“Ўзбекистон — турли эътиқод вакиллари тинч-тотув ва фарован ҳаёт кечираётган давлат сифатида намунадир,” деди у.

Боб Робертс Ўзбекистонда мавжуд бўлган барча диний конфессия ва жамиятларнинг эркин ҳаьда осийишта яшашлари учун ҳамма шароитлар яратилганиға ижтибор берди.

“Турли динларға мансуб одамлар ўртасида кўприк барпо этиш мақсадини ҳаётға татбиқ қилар эканмиз, биз энг кучли 10 нафар имом, руҳон, ва раввинлардан иборат олимлар билан Ўзбекистонға сафар уюштиришға қарор қилдиқ”, деди Америка черкови раҳбари.

IGE фаҳрий президенти **Крис Сипле** халқаро экспертларнинг Ўзбекистонға ташрифи якунларини баҳолай туриб, мамлакатда этник ва диний мансублигидан қатъи назар, қонун устуворлиги қарор топганини эътироф этди.

“Барча томонидан қўлланиладиган қоида ва қонунларнинг умумий мажмуи ўзаро ишонч муҳитини яратди. Бу одамларға муросасиз тафовутларни енгиб ўтган ҳолда, умумий фаровонлик йўлида ҳамжихатликда ишлашға имкон бермоқда, — дея қўшимча қилди у. — Бу инсонларнинг шундай жиқлашишики, улар ўз етакчилари билан биргаликда янада яхши келажакка эришадилар”.

“Мен Ўзбекистонда бир ҳафта давом этган сафаримдан чуқур таассурот олдим. Чунки тўсиқлар бузилгаётгани, мулоқот кенгайтаётгани, дўстона алоқалар йўлга қўйилагаганининг бевосита гувоҳи бўлдим”, дея делегация аъзоларининг мамлакатимизға ташрифи бўйича фикрларига мантйиқий якун ясади IGE президенти ва бош директори **Жон Бойд**.

Саиджон МАХСУМОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

БУ ЕРДА ЁШ ДАСТУРЧИЛАР ЕТИШИБ ЧИҚАДИ

Янгибозорда Рақамли технологиялар ўқув маркази очилди

Президентимиз томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббуснинг учинчи йўналиши доирасида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан мамлакатимизнинг барча ҳудудида аҳоли ва ёшлар учун Рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил этилмоқда. Бугунги кунға қадар республика бўйича 24 та шундай марказ фаолияти йўлга қўйилган эди.

Қулалик

Навбатдаги ўқув маркази куча Хоразм вилоятининг Янгибозор туманида очилди. Маросимда вазирлик раҳбарияти, кенг жамоатчилик ва ёшлар иштирок этди.

— Мазкур ўқув маркази туман ёшлари учун муносиб туғфа бўлиб, келгусида уларнинг қадрдон масканиға айланади, — деди ахборот технологиялари ва коммуниқацияларини ривожлантириш вазистри Шўҳрат Содиқов. — Ўйлаймики, маҳаллий ҳокимликлар жорий йилда барча ҳудудда Рақамли технологиялар ўқув марказларини ташкил этишда ҳар томонлама қўмақдosh бўладилар.

Ушбу марказ учун “Ўзбектелеком” АҚ Хоразм филиалиға қарашли бўш турган бино танлаб олинди, туман ҳокимлиги қўмағида тўлиқ таъмирдан чиқарилди ва замонавий компьютер технологиялари, робото-техника жиҳозлари, кибер-

спорт ўйинлари ускуналари ҳамда бошқа энг сўнгги русумдаги техника воситалари билан жиҳозланди. Келгусида туман ёшлари бу ерда ахборот технологиялари, дастурлаш соҳаларида инновациян ишланмалар яратиш, стартап лойиҳаларини ишлаб чиқиш билан шуғулланадилар. Ўқув марказининг ишға туширилиши натижасида туман ёшларининг мамлакатимиз бўйлаб амалға оширилаётган “Бир миллион ўзбек дастурчиси” лойиҳасида фаол ва самарали иштирок этишларига имконият яратилди.

Келгусида марказда туманнинг 5000 нафардан зиёд ўғил-қизларини қамраб олиш орқали уларни замонавий рақамли технологиялар соҳасида ўқитиш режалаштирилган.

«Халқ сўзи».

Туркистон жадидчилик мактабидининг асосчиси Маҳмудхўжа Бeҳбудийнинг сўнгги кўнлари, фожиали ўлими тўғрисида ёзиш оғир. Аммо бу тараққийпарвар, юртпарвар аждоимиз ҳаётининг нисбатан кам тадқиқ қилинган қисмиға боғлиқ бўлгани боис ҳам шунға жазм этдик. Зеро, ўтмиш инсониятни хушёрликка чорлаб, сабоқ чиқаришға ундаб туради.

Маълумки, Маҳмудхўжа Бeҳбудий ўз шериклари Мардонқул Шомўхаммадзода ва Муҳаммадқул Ўринбой ўғли билан бирға Бухоро амирилигиға қарашли Шаҳрисабзда қўлга олинган ва Қаршиға келтирилган. Қарши бeги Тогайбек буйруғи билан зиндон яқинидаги “подшолик” чорбоғида амрининг Қарши шаҳридаги волийси Нуриддин Оғалиқ томонидан 1919 йил 25 мартда ваҳшиёна ўлдирилган.

Албатта, Маҳмудхўжа Бeҳбудийнинг ваҳшиёна ва хиёнаткорона ўлими халқимизни парзаға солган. 1920 йилнинг апрелида бу табаррук инсон туғилган Самарқанд шаҳрида Бухоро амири ва унинг жoҳил амалдорларига қарши умумхалқ намойиши бўлиб ўтади. Намойишчилар амирдан Бeҳбудий қотилларини жазолашни қатъий талаб қилишади. Халқнинг талаби амир томонидан инобатға олинмаганлиги Бeҳбудийнинг фожиали ўлимида амирлик ва совет ҳукумати махфий келтишуви борлигини кўрсатади. Совет ҳокимияти йилларида авж олган дискриминация сисёатининг тиги Туркистон минтақасидаги зиёилиларни бирин-кетин йўқотишға ҳам қаратилган эди.

1920 йил сентябрь ойи бошода амир ҳукумати ағдарилиб, Бухоро Халқ Совет Республикаси ташкил топганидан сўнг, Маҳмудхўжа Бeҳбудийнинг Самарқандда фаолият юритаётган шоғирдлари, сафдош ва маслақдошлари унинг қабрини излаб топиш, қотилларни аниқлаш харакатиға тушушиди.

Бухоро Халқ Совет Республикаси 9 вилоятдан иборат бўлиб, уларнинг бири Қарши эди. Қаршида ушр-солиқ назорати идорасининг бошлиғи бўлган Нуриддин Оғалиқ (Нуриддинхўжа Оғалиқ Аҳмадхўжа



ўғли) “Самарқанд комиссияси”нинг Қаршидаги фаолиятиға йўл қўймади. Қарши шаҳридаги ҳукумат аъзолари эса унинг хоҳиш-иродасига қарши боролмаганлар.

Шу ўринда кишини ўйлантирадиган бир савол туғилади. Амир даврида эътиборли мансабда ишлаган Нуриддин Оғалиқ Шўро ҳукуматида ҳам ўз макёени сақлаб қолишға қандай эришди экан? Бу ҳанузгача жумбоқ бўлиб қоляпти. Нуриддин Оғалиқ комиссия фаолиятиға йўл қўймай “ёпиқлик қозон ёпиғлиғича қолади”, деб ўйлаган. Лекин БХР ҳукумати тафтиш комиссияси 1923 йилнинг қузида Қарши вилояти солиқ идораси фаолиятини текширувдан ўтказади. Комиссия Оғалиқ ҳамда унинг сафдошлари катта қонунбузарлик ва жиноятға қўл урганлигини аниқлайди. Нуриддин Оғалиқ ва унинг ҳамтововқлари Ҳoжи Абдулазиз Бoқиев, Мирзо Маҳмуд Ҳoжи Ибод ўғли қабиалар олий инқилоб трибуналы судига берилади.

Нуриддин Оғалиқ солиқ идорасининг бошида турганида: “ҳукуматнинг 42 минг пуд бурдойини, 20 минг олтин қазмоғини ўйирлагон. 2000 қўй, 20000 қорақўл териси бўлғон, меҳнаткашлардан 1000 — 2000 на-

Миллат фидойилари БЕХБУДИЙГА СУЙИҚСАД ҚАНДАЙ СОДИР БЎЛГАНДИ?

фарини ярим оч, ярим тўқ ҳолатда ўз ерларида ишлатгон... Оғалиқнинг қилғон ишларини, жабр ва зулмларини, хиёнатларини ёзиб, учига чиқариш мумкин эмас”, деб ёзади “Бухоро ахбори” газетаси. Ушбу шахснинг юқоридаги қонунбузарликка қаратилган хатти-харакатларига буюк мутафаккир Маҳмудхўжа Бeҳбудий ҳаётиға зомин бўлганлиги билан боғлиқ жинояти ҳам қўшилган.

Суд “Нуриддин Оғалиқни отишға, қолғон иккисини беш йилға қамоққа олишға қарор қилди. Ҳукм Регистонда бўлиб, 5 мингға яқин киши иштирок қилди”. Нуриддин Оғалиқни отиш ҳукми 1923 йил 19 сентябрь кеч соат 7.00 да ижро этилган. Бу ҳақда газета “Бeҳбудий ва рафиқларининг ўлдирилишиға сабаб бўлғон фуқаро ҳукуматининг молиға хиёнат қилган мазкур Оғалиқ 19 сентябрда (1923 йил) одил ҳукумати-миз томонидан отилди, дeмак, Бeҳбудий ва рафиқларининг ўчлари олинди”, деб ёзади.

Шундай қилиб, Бeҳбудий ўлимидан 4 йил кейин қотил ўзининг жазосини олган. Шундан сўнг Бухоро ҳукумати томонидан Қарши вилояти ижроқўми раиси Жўра Зокирий

ҳамда Қарши вилоят фирқўми Назаров зиммасига Бeҳбудий қабрини қидириб топиб, унинг ҳайкалини ўрнатиш вазифасини юклаган. “Бухоро ахбори”да бу ҳақда шундай



хабар берилган: “Маҳмудхўжа Бeҳбудий қабри оз кунда (тез кунда) топилиб, устиға ҳайкал ишланиб ётадур. Бeҳбудий ўзининг ўртоқуми билан хибсхонанинг ёнида воқзалға қарагон тарафда ҳаммаси бир қабрга қўмилғонлар. Бeҳбудий қабрини излаб топиб, устиға ҳайкал ишлатишға Қарши вилоят ижроқўми билан вилоят фирқўмининг бошида ўлтиргон Жўра Зокирий ва Назаров ўртоқлар кўп гайрат қилғонлар”. Лекин бу мутасадди шахслар ўзларига юклаган вазифани урдаламаганлиги манбаларда қайд қилинади.

“Озод Бухоро” газетасининг 1923 йил 19

МУСАФФО ҲАВО, ОЗОДА ҲУДУД ВА СОҒЛОМ ТУРМУШ

инсон саломатлигининг муҳим омили

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик ҳолатни яхшилашга эътиборни кучайтиришимиз керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан.



Сўнгги йилларда мамлакатимизда атроф-муҳит муҳофазасига муносабатни тубдан ўзгартириш, экологик ҳолатни яхшилаш, фуқаролар соғлиғига чиқиндилар таъсирини камайтириш, маиший чиқиндиларни йиғиш, сақлаш, ташиш, қайта ишлаш, утилизация қилиш тизимини янада такомиллаштириш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди. Айни пайтда бетақдор баҳор фаслида “Бир миллион дарахт” шиори остида ҳар бир ҳудудда қўчат

экиш лойиҳаси қизғин давом этаётгани эса янада диққатга сазовор. Бинобарин, бунинг натижасида қанчадан-қанча янги боғлар вужудга келмоқда. Шу билан бирга, экологик фожиа юз берган Оролбўйи минтақасини қўқаламзорлаштириш ва обод манзилга айлантириш ишлари ҳам жадал давом эттириляпти. Бироқ бундай саъй-ҳаракатлар соҳада ҳамма ишлар рисоладагидек кетаяпти, дегани эмас. Аксинча, бир талай муаммо ва камчиликлар тўпланиб қолмоқда-

ки, улар кенг жамоатчиликнинг ҳақиқий эътирозларига сабаб бўляпти. Биргина дарахт кесиш ва атроф-муҳитни ифлослантириш билан боғлиқ масалаларда жонбозлик ўрнига сустакшилик кўрсатилаётгани бунинг аёқол тасдиғидир. Танқидий руҳда бўлиб ўтган йиғилишда юзага келаётган мана шундай муаммолар атрофчила таҳлил этилиб, уларни ижобий ҳал қилишнинг аниқ йўналишлари кўрсатиб ўтилди. Таъкидлаш керакки, давлатимиз

раҳбарининг тегишли Фармони ва қарори билан 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси ҳамда 2019 — 2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегияси тасдиқланган. Йиғилишда мазкур концепция ҳамда қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ стратегия ижросида Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари фаолияти қониқарсиз, деб топилди.

Бизнинг шарҳ

Шу боис қўмита раиси ва унинг ўринбосарлари ҳамда ҳудудий бошқармалари раҳбарлари лавозимидан озод этилди.

Ҳозирги кунда атроф-муҳитга салбий таъсирлар сақланиб қолмоқда. Хусусан, атмосферага катта миқдорда ифлослантирувчи моддалар чиқариляпти. Фауна ва флорага хавф ортиб бораётди.

Маиший чиқиндилар ҳақми йилга 7 миллион тоннадан зиёд бўлиб, унинг 19 фоизигина қайта ишланя-

ти, холос. Бу борада хусусий секторнинг улуши паст. Ҳамма маҳалларда ҳам санитар тозалаш хизматлари мавжуд эмас. Қурилишлар ва саноат ривожланиши натижасида чиқиндилар ҳажми ортмоқда.

Йиғилишда аҳолига санитар хизмат кўрсатиш қамровини 2021 йилда 100 фоизга етказиш, 221 чиқинди полигонини санитария-экология талабларига мувофиқлаштириш зарурлиги белгиланди. Қурилиш вазирлиги ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига жорий йилда Тошкент, Самарқанд, Андижон вилоятларида, кейинчалик бошқа ҳудудларда ҳам қурилиш чиқиндиси полигонини ҳамда чиқиндини қайта ишлаш лойиҳаларини ишга тушириш бўйича топшириқлар берилди. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдонини кенгайтириш, “Кизил китоб”га киритилган ҳайвонларни овлаганик учун жазони кучайтириш бўйича таклифлар билдирилди.

Маълумки, Президентимиз Фармонига мувофиқ, давлат ўрмон фондида кирмайдиган дарахтлар, буталар қимматбаҳо навларининг кесилишига мораторий жорий қилинган эди. Лекин жойлардаги раҳбарларнинг эътиборсизли-

ги оқибатида айрим ҳолларда ўсимлик дунёсига зарар етказилди. Бош прокуратурага ушбу масала бўйича ҳокимлар фаолиятини қатъий назоратга олиб, жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш топширилди.

Ишлаб чиқариш жараёнида экологик меъёрларга амал қилиш масалалари ҳам таҳлил этилди. **Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси лабораторияларида жихозларнинг 65 фоизи эскиргани кўрсатиб ўтилди. Ҳавога ифлослантирувчи моддалар чиқариш ҳажмининг 60 фоизи ёқилғи-энергетика, 20 фоизи тоғ-кон ва металлургия соҳасига тўғри келмоқда. Шу боис табиати муҳофаза қилувчи технологиялар қўлланган саноат корхоналарини рағбатлантириш, чанг, газ тозалаш ускуналари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш зарур.**

Соҳада малакали кадрлар, илмий тадқиқот ишлари етишмаслиги, бирорта олий ўқув юртида экология бўлими махсус факультет йўқлиги танқид қилинди. Илмий тадқиқотларга грант ажратиш, хорижда кадрлар малакасини ошириш, соҳага инновацион технологиялар ва ғояларни жалб қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Жамшид КЎЧҚОРОВ, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, иқтисодиёт ва саноат вазири:

— Йиғилиш ўта танқидий руҳда ўтди. Кескин ташкилий чоралар кўрилди ва соҳанинг аҳоли чўқур таҳлил қилиб берилди. Мажлисда кўрсатиб ўтилган камчиликлардан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг иқтисодий блоки олди-га ҳам аниқ вазифалар қўйилди. Шу соҳада таҳлил этилган ва бугунги кунда тўлиқ қувватда ишламаётган чиқиндиларни қайта ишлаш корхоналарининг аҳолини таҳлил қилиш, зарур бўлган тақдирда, уларга молиявий қўмак бериш, яъни солиқлар бўйича эркинликлар бериш, банк кредитлари бўйича муаммолар бўлса, ҳал этиш, фоиз ставкаларини кўриб чиқиш ва Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан фоиз тўловларини компенсация қилиб бериш шуллар жумласидандир.

Шу билан бирга, мазкур соҳага ажратилиши керак бўлган маблағларнинг ишлатилиши бўйича ҳам топшириқ бўлди. Бунда, биринчи навбатда, “Тоза ҳудуд” ташкилотлари молиявий аҳолини таҳлил қилиш, полигонлар билан боғлиқ иқтисодий, молиявий масалаларни кўриб чиқиш ва улар бўйича ҳам таҳлиллари тайёрлаш топшириғи берилди.

Маиший чиқиндиларни йиғиш, қайта ишлаш соҳасига хусусий секторни жалб қилишга шарт-шароит яратишда давлат-хусусий шериклик механизмларидан фойдаланиш вазифалари қўйилди.

Ботир ЗОКИРОВ, Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири:

— Йиғилишда Президентимиз томонидан республикаимизда қурилиш чиқиндиларини утилизация қилиш бўйича масалалар ҳал бўлмаганлиги кўрсатиб ўтилди. Бу танқид жудаям тўғри. Кейинги глобал масала — бу қурилиш меъёрларини экологик жиҳатдан кўриб чиқиш бўлди. Яъни шу кунларда амалга оширилаётган қурилиш-ободонлаштириш иш-

рини экспертизадан ўтказиш жараёнида экологик экспертизага алоҳида эътибор қилиш зарур. Бу масалада стандартларни қайтадан кўриб чиқиш ва бугунги ҳаётга қараб туриб, буларни таъбиқ этиш бўйича вазифа қўйилди. Яна катта масалалардан бири — бу аҳоли яшаш пунктлари, нафас оларда амалга ошириладиган қурилиш-ободонлаштириш иш-

Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ, Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири:

— Бизда қатор йилларда экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича кадрлар тайёрлашда оқсоқиллик мавжуд эди. Тизим бор бўлгани билан тарқоқ эканлиги, олий таълим муассасаларида бакалаврлар, магистрлар ва докторантларни тайёрлаш такомиллашмаганлиги танқидга сабаб бўлди. Президентимиз бизга олий таълим муассасаларида экология факультетини ташкил этиш, қолаверса, кадрлар тайёрлаш бўйича алоҳида битта институтни шакллантириш юзасидан топшириқ берди. Бундан ташқари, шу соҳада илмий тадқиқотлар ҳам

жуда орқада қолган. Бунга, аввало, моддий-техник базанинг етишмаслиги, кадрлар йўқлиги сабаб бўлаётган эди. Шунинг учун мақсадли грантларни ажратиш, грантлар портфелини шакллантириш олдимида турган вазифалардир. Қолаверса, янги технологияларни яратиш бўйича, умуман, соҳага хусусий секторни кўпроқ жалб қилиш масаласида, маиший чиқиндиларни қайта ишлашда кичик-кичик стартап лойиҳалар орқали, инновацион технологияларни олиб кириш бўйича топшириқлар олди. Уларни ўз вақтида бажарамиз, деб ўйлайман.

Борий АЛИХОНОВ, Ўзбекистон Экологик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси:

— Президентимиз томонидан берилган кўрсатмалар айнан тизимни тубдан ислоҳ қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Биринчи навбатда, маиший чиқиндиларни чўқур қайта ишлаш таъминлаш масаласи ҳам эътибордан холи бўлгани йўқ. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тизимини ўзгартириш лозим эканлиги давр талабидан келиб чиқаяпти.

Бир нарсани айтиш керакки, янги чоп этилаётган “Кизил китоб”га қарийб 226 та ҳар хил турдаги жониворлар киритилган. Ваҳолонки, бундан ўн йил аввал улар 184 та эди. Демак, бу ҳам жуда катта хатар, жониворларнинг турлари тобора камайиб, йўқ бўлиб кетиш хавфи борлигидан далолат беради. Шу боис мазкур соҳада қатъий чоралар кўриш лозимлиги бўйича кўрсатмалар берилди. Бу масала бизга ҳам катта масъулият юклайди.

Нигматилла ЙЎЛДОШЕВ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори:

— Ҳозирги кунда кўплаб саноат корхоналари томонидан атмосферани ифлослантирувчи моддалар чиқарилиши аҳоли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Бу давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида эътироз билан тилга олинди. Шунингдек, ҳавога ифлослантирувчи моддалар чиқарилиши борасида ёқилғи-энергетика ва тоғ-кон саноати корхоналарида ҳам қўнунбузилиш ҳолатлари йўл қўйилаётган ҳолатлар қайд этилди. Президентимиз томонидан прокуратура органларига муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар майдонини янада кўпайтириш ва уни муҳофаза этиш ишларига алоҳида эътибор қаратиш ҳамда тегишлича ҳатловдан ўтказиш вазифаси аниқ белгилан берилди.

Барчамизга яхши маълумки,

давлатимиз раҳбари томонидан ўтган йили қабул қилинган Фармонга қўра, дарахтларни кесиш бўйича мораторий эълон қилинган эди. Минг афсусли, шунга қарамайдан, Хоразм, Сурхондарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида бу борада кўплаб қўнунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Таъкидлаш ўринлики, экологик хавфсизлиқни таъминлаш бўйича бизда барча ҳуқуқий асослар яратилган. Тегишли қўнун ва қўнонхона ҳужжатлари мавжуд. Биз, прокурорларнинг бирдан-бир вазифаси, ҳар бир қўнун ва қўнонхона ҳужжатларининг назоратини ўз вақтида таъминлашдан иборат. Бу борада Президентимиз бизга ушбу

назоратни янада кучайтириш баробарида, барча қўнунбузилиш ҳолатларини чўқур танқидий таҳлил қилган ҳолда, қўнунларни янада такомиллаштириш бўйича ҳам аниқ вазифаларни белгилаб берди. Зарур бўлса, айрим қўнунларимизга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш борасида ўзимизнинг тегишли қўнунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиш тўғрисида ҳам тегишли топшириқ олди.

Давлатимиз раҳбари яна шунинг алоҳида қайд этдики, авваламбор, экологик хавфсизлиқни таъминлаш — бу нафақат бир вазирлик, балки барча давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ҳокимият, қолаверса, барча фуқароларнинг бурчидир.

Комилжон ТОЖИБОВЕВ, ЎзРФА Ботаника институти директори:

— Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бу, аввало, атроф-муҳит компонентини тўғрисида билимларнинг мажмуаси такомил бўлишини талаб қилади. Бу юртимиздаги ўсимлик ва ҳайвонот турларидан тўлиқ ҳабардор бўлиш, уларни рақамли форматга ўтказиш, маълумотлар базасини шакллантириш ва энг муҳими, рақамли давлат кадастрини юритишга бориб тақалади. Бу борада институт томонидан ўсимлик турларининг рақамли давлат кадастрини юритиш-

нинг миллий дастурини яратиш, унинг методикасини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш устида тадқиқотлар ўтказиш режалаштирилган.

Президентимиз атроф-муҳит муҳофазаси давлатимизнинг устувор вазифаси эканлигини алоҳида таъкидлаб, бу борада барча тегишли вазирлик ва идоралар, жумладан, илмий-тадқиқот институтларининг вазифаларини яна бир бор айтиб ўтди.

«Халқ сўзи».

Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги олдида

Ушбу воқеалар Иккинчи жаҳон уруши жанг майдонларида мардонавор курашган минглаб ўзбек ўғлонларидан бири, фарғоналик Карим ота Зокировнинг аудио кассетага ёзиб олинган хотира сўзларидир.

...Мени 1941 йил 29 декабрда армия сафига олишган. 1942 йил август ойигача дивизия тузилиб, 18 август кунини бизни поездда Фарғонадан Тошкентга олиб келдилар. У ердан урушга қараб жўнадик.

Бизни Бабушкин шаҳридаги Ёёзд бекатида олиб бориб туширишди. 1942 йил октябрь ойининг изгирини ва совуқ кунларида поездга чиқариб, Бурундучка олиб кетишди. Уловимиз секин юрар, баъзан кечалари тўхтаб қоладик. Поезддан тушган, кейинги манзилга пиеда отландик. Қирлар, тоғлар ошарканмиз, кўплаб ўлган одамлар ва отларни кўриб, дийдамиз қотиб борди. Шу тариқа, бизни урушга тайёрлашди.

...Жанг майдонида уч-тўрт кун ҳеч қандай озик-овқатсиз очликда қолдик. Тирик қолиш мақсадида, кечалари ўқ товушлари тинган, ертўладан чиқиб, ўлган отларнинг сон гўшларидан олиб келардик. Тун қоронғи, ҳаво жуда совуқ, туз йўқ... Иродамиз синовдан ўтди...

Душман чекина бошлади. Биз улар томон бостириб борардик. Мороский бекатида қаттиқ жанг бўлди. Пешин вақти эди. Иккита танк келиб, бизга қарата ўқ отди, шунда “олга” деб бақирган товушлар эшитилди. Бизнинг бир қанча йигитларимиз ҳалок бўлди. Тирик қолганлар орқага чекиниб, бир чуқурликка бориб ётдик. “Олга” деб бақирган командиримиз ҳам уққа “учди”. Менда икки килограмм атрофида ун, озгина от ёғи, шеригимда эса икки бўлак нон бор эди... Жон сақладик.



Тирик қолганларни йиғиб, сафлантиришди, яна қайтадан Мороский бекатида душманга қарши жангга кирдик. Ана шу жангда қўлимга ўқ теғди. Командир менинг “санбат” — санитария батальонига боришимни айтди. Тонг отган, бизни машинада Самарага жўнатишди. Кетиш олдидан, агарда ўлиб қолсак, қийимларимиз кафан бўлади, деб бор уст-бошларимизни кийиб олдик.

Санитария батальонида яраланган ва жароҳатланганлар сони жуда ҳам кўп. Ҳаммомга кириб ювиниш керак. Барчани биб босиб кетганлигидан ҳаммомга турнақатор навбат тизилган. Бир амаллаб ювиниб, битлардан қутулдик, қийимларимизни янгиладик. Кейин бизларни санитария батальонига киритишди. Жароҳатлар битгач, яна жангга қайтдим...

Сталинградда қайта комиссиядан ўтказиб, ҳарбий қисмга юбордилар. Пана ва нам жойларда ётардик, ўлиб қолган одамларни қийимлари билан ўраб, чуқур қавлаб, кўмиб қўядик...

Кунларнинг бирида 25 кишини бир жойга йиғдилар. Юларимизни олиб қилиб, ўзимизни поездга чиқаришди. Қўлимизга биттадан музлаб қолган нон беришди. Вагонда тахтадан ётишга жой ҳозирладик. Совуқдан ўлиб қолмаслик учун бир-биримизни қучоқлаб

ётдик. Совуқ вагонда ва қаттиқ тахтада ётганимиздан ёнбошларимиз яғир бўлиб кетди... Бизни Мёртов шахрига олиб келиб, сержантликка ўқитишди.

Сўнг рота командирни мени ўзининг ҳарбий командасига олди. Бизни Польшага олиб бордилар ва у ерда яна уч ой фашистларга қарши курашдик. Сўнг Берлин томон йўл олдик, у ергача 18 километрик масофа қолган эди. Катта йўлда душман қўлиги сабабли ўрмон оралаб бордик. Пешо-намани ўқ “ялаб” ўтиб, жароҳатландим. Тирик қолганим мен учун мўъжиза эди. Яратганга шукр қилиб, санитария батальонига қайтдим. 20 кун давола-ниб, ҳарбий қисмга қайтиб бордим. 1945 йил 9 майда ғалаба қилдик. Берлиндан Баймўт шахрига келдик. У ерда бўйруқ чиқишини кутдик ва навбат билан ҳамма ўз она юртига қайта бошлади. Ҳар кун вагон-вагон одамлар уйига кетар эди. Ниҳоят, 1945 йил 7 июнда иккита вагон Тошкент сари йўл олди. Ундан Марғилонга бордик. Марғилонда 3 киши тушдик...

Шундай қилиб, урушдан ўз уйимизга қайтиб келганмиз...

ЎзРФА Тарих институти катта илмий ходими Машхураҳон ДАРМОНОВА ёзиб олди.

ИБН СИНО ҲИКМАТЛАРИ

● **Беҳи астмага фойда, уруги эса томоқ қурилишида кор қилади ва ўпка найини юмшатади, шиллиғи ҳам (ўпка) найи қуруқлигини намлайди.**

● **Аччиқ бодом буйракдаги тикчмаларни очади, ёғи эса буйракни ва қозуқни тозалайди, тошларни майдалайди, айниқса, гулсапар илдизи билан қўшиб ичилса ана шундай қилади.**



Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” жамоат фонди уюшма аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли шоир **Азим СҮЮННИНГ** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия изҳор этади.

ЧОРМИНОР ПОЙДЕВОРИГА ҚАНДАЙ ЁЗУВ ТУШИРИЛГАН?

Бухоро шаҳридаги Чорминор меъморий ёдгорлиги 1807 йилда халифа Ниёзкул томонидан қурдирилган. Ўзига хос меъморий услубда барпо этилган ушбу обидада ўз даврида кутубхона ҳам жой олган эди. Бу ерда жамланган китоблардан ташқари тош битиклардаги ёзувлар кишини бефарқ қолдирмайди. Чорминорнинг пойдеворига ҳам ёзув туширилган.

Мозийдан садо

— Маълумки, ISESCO томонидан Бухоро шаҳри 2020 йилда “Ислоҳ маданияти пойтахти”, деб эълон қилинган, — дейди Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунос-лик институти катта илмий ходими, башунос олим Комилжон Раҳимов. — Бу кўҳна шаҳар қадимий ёдгорликларидида битикларни ўрганиш, тадқиқ қилиш, мазмун-моҳиятини халқимизга етказиш борасидаги ишлар қамровини янада кенгайтирмоқда.

Чорминор меъморий мажмуасининг пойдеворидида харсанг тошга Мавлоно Абдурахмон Жомий қаламига мансуб “Хафт авран” (“Етти тахт”) тарихида кырган “Туҳфат ул-ахрор” достонидан иқтибос маҳорат билан битилган. Мазкур достоннинг “Тарихат кутби, халойиқ мададқори Хожа Баҳодуддин Нақшбанд Бухорий (Аллоҳ унинг сирини муқаддас қилсин)” номли бобидан келтирилган иқтибос настаълиқ хатида тошга ўйиб ёзилган:

Сикка, ки дар Ясрибу Батҳо заданд, Навбати охир ба Бухоро заданд.

Аз хати он сикка нашуд бахраманд, Чуз дили бенақши шахи Нақшбанд.

В-он гуҳари пок на ҳар чо бувад, Маъдани он хоки Бухоро бувад.

(Маъмуни: “Аллоҳ таоло аввал Ясриб билан Батҳо (Макка ва Мадина)га, охирида Бухорога бахширлик муҳрини босди. Ушбу шарафдан шарафманд бўлмоқ ҳаммага ҳам насиб этмади, бунга фақат Шоҳ Нақшбанд сазовор бўлди. Бу покиза гавҳар ҳар ерда учрамайди. Унинг кони Бухоро тупроғида-дир”).

Шу каби ёзувлар мазмун-моҳияти ҳақида уч-тўрт тилда ихчам маълумотлар тайёрла-ниб, улар тегишли ёдгорликлар ёнида на-моиш этилса, сайёҳлар қизиқишини оши-ришга хизмат қилади.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 63 190 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибхона 71-233-10-28; Ўзлонлар 71-232-11-15.



“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.30 Топширилди — 01.15 1 2 3 4 5 6

Таҳририятга келган қўёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жоабгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусахҳиш — Ш. Машраббоев.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.
E-mail: reklamaxs@mail.ru
reklama@xs.uz